

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 28 (1207) 2019 йил 25 июль

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ

Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги қарори билан қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.

Марказий банк Бошқарувининг мазкур қарори иқтисодиётда инфляция хатарларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳамда кредитлар учун ресурслар манбаларини шакллантиришда давлат маблағларидан аънавий бозор инструментларига ўтиш зарурияти юзага келган шароитида банклардаги узоқ муддатли жамғармалар ва улар улушининг ошиши суръатларини мустаҳкамлаш вазифаларидан келиб чиқиб қабул қилинди.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида аввал эълон қилинган иккита пресс-релизларда назарда тутилган айрим инфляция хатарларнинг юзага кела бошлаганлигини инобатга олиб, инфляция прогнози 13,5–15,5 фоиз оралиғида ўзгаришсиз қолдирилди.

Инфляция ва инфляцион кутилмалар. Жорий йилнинг I ярим йиллигида истеъмол нархлари ошиши 5,6 фоизни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 0,6 фоиз бандга паст бўлди.

Инфляция асосан озик-овқат то-



варлари ва хизматларнинг бозор нархлари ошиши таъсирида шаклланган бўлса, маъмурий тартибга солинадиган хизматлар тарифлари ва ноозик-овқат товарлари нархларининг юқори даражада ошмаганлиги инфляциянинг кескин ўсишининг олдини олди. Шу билан бирга, энергия ресурслари тарифлари оширилишининг олдин эълон қилинган муддатга нисбатан кейинга қолдирилиши ҳам мазкур даврда инфляция даражасининг кутилгандан паст даражада шаклланишига хизмат қилди.

Йиллик ҳисобда инфляция даражаси 13,6 фоизни ташкил этиб, база-

вий прогноз коридорининг қуйи чегарасига яқин даражада сақланиб қолди. Бунда, йиллик инфляция даражаси охириги 5 ой давомида 13,5–13,7 фоиз оралиғида сақланиб қолди.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбатан кредитлар ажратиш ва давлат харажатларининг юқорироқ суръатларда ўсиши ҳисобига ички нархларга ялпи талаб томонидан босимнинг ортиши, аҳоли даромадлари кўпайиши ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши маълум даражада инфляция даражасини пасайтириш вазифасини қийинлаштирмоқда.

Озик-овқат инфляцияси мева ва сабзавот маҳсулотлари нархлари ўзгаришини ҳисобга олмаганда апрель ойида ўзининг энг юқори даражасига етди. Бунга нархларнинг солиқ тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига мослашиши сабаб бўлди. Ушбу омиллар таъсирининг секин-аста камайиши жорий йилнинг май-июнь ойларида мазкур маҳсулотлар нархлари динамикасининг пасайишида ўз аксини топди.

Айрим турдаги мева ва сабзавотлар нархларининг ўтган даврда паст бўлганлиги ҳисобига 2019 йилнинг II чорагида улар нархларининг ўсиш суръати тезлашиб, йиллик инфляцияга оширувчи таъсир кўрсатди. Таққослаш учун, 2018 йил II чорагида мева ва сабзавот маҳсулотлари нархлари 18,7 фоизга пасайган бўлса, жорий йилнинг II чорагида 8,1 фоизга камайди.

Мазкур даврда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляциян кутилмалари, умуман олганда, пасаяовчи динамикани намойиш этди. Юридик шахсларнинг инфляциян кутилмаларида барқарор пасайиш тренди кузатилган бўлса, айна вақтда, жисмоний шахслар кутилмаларида 2019 йил январь-апрель ойларидаги пасайишдан сўнг, охириги икки ойда ўсиш кузатилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЧИНОЗ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Ипотека-банк” АТИБ томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилкоқда.

ИПОТЕКА БАНК



Худудларда турли янги хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, филиаллар буткул замонавий тусга келтирилмоқда.

(Давоми 5-саҳифада)

ЖОРИЙ ЙИЛДА 13 МИНГТА АРЗОН УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛАДИ

Жорий йилда республикаимиз бўйлаб 13 мингта арзон уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Мазкур уйлارнинг 11070 таси уй-жойга муҳтож оилаларга, 658 таси алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга ва 1272 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга берилади.

ТАДБИР

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши Дастурларида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” иштироки” мавзусидаги матбуот анжуманида тўхталиб ўтилди. Унда банк раҳбарияти ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мана ўн йилдирки, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш каби муҳим йўналишда фаол иштирок этиб, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



(Давоми 4-саҳифада)

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 4 500 ДОЛЛАРИГА ЕТАДИ

→ 3

БАНК МИЖОЗЛАРИГА – ЯНАДА КўПРОҚ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР

→ 6

ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА Бўлмаган ОМАДЛИЛАР

→ 8

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда, инфляция даражасини 2021 йилда бир хонали рақамгача пасайтириш вазифасидан келиб чиқади. Бунда, базавий сценарий бўйича 2020 йил учун инфляция прогнозини 10-12 фоиз даражасида сақлаб қолди.

Келажакда инфляция даражасини пасайтириш вазифаси давлат харажатлари ва кредитлаш ҳажмлари ўсиш суръатларини мақбуллаштиришни талаб этади. Инфляция даражасини пасайтиришда яна бир муҳим омил бўлиб, таркибий ислохотлар, хусусан соғлом рақобат шароитларини яратиш, инвестицион муҳитни яхшилаш йўлидаги фундаментал тўсиқларни олиб ташлаш бўйича таъсирчан чораларнинг кўрилиши, инфратузилмани ривожлантириш, давлат корхоналарини ислох қилишни ўз вақтида амалга ошириш, олиб борилаётган солиқ ислохотлари самарадорлигини ошириш қабиладан ҳисобланади.

2019 йил I ярим йиллигида макросиёсий шароитлар асосан, айрим хом-ашё товарлари экспорти учун қўлай бозор конъюнктураси ҳамда ялпи талабнинг юқори ўсиш суръатлари таъсирида шаклланди. Мазкур даврда ЯИМ ўсиш суръати 5,8 фоизни ташкил этди. Бунда, юқори иқтисодий фоллик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (6,9 фоиз), қурилиш ишлари (20 фоиз) ва хизматлар соҳасида (12,7 фоиз) кузатилди. Шунингдек, асосий капиталга инвестициялар 58,9 фоизга ўсди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий ҳолати ўзига хос ҳисобланиб, йиллар давомида йиғилиб келган инвестицион “чанқоқлик”, ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг кечиктирилганлиги ва иқтисодиётни эркинлаштириш билан биргаликда бугунги кунда молиявий ва инвестициявий ресурсларга қўшимча талабни яратмоқда. Бунда, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг кенгайтилиши ҳамда бюджет харажатларининг дастлабки кўзда тутилган ҳажмларга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши 2019 йилнинг I ярим йиллигида талабни оширувчи асосий омиллар бўлди.

Ўшбу даврда ташқи савдо балансининг салбий сальдоси 2,8 млрд. долларни ташкил этди ва йил охиригача ошиши кутилмоқда. Ташқи савдо баланси тақчиллиги жорий операциялар балансининг бирламчи ва иккиламчи ҳисоблари соф даромадлари ҳамда молиявий ҳисоблар эвазига қопланиши

кутилмоқда. Бу миллий валютанинг алмашув курсига сезиларли босим яратмайди.

2019 йил дастлабки ярим йиллигида миллий валюта алмашув курси экспорт тушумлар ва трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига ички валюта бозорига хорижий валютанинг мўътадил қилиши натижасида нисбатан барқарор бўлди. Йил бошидан сўм алмашув курси 2,7 фоизга қадрсизланди.

Иқтисодиётда ялпи талабнинг сезиларли даражада ошиши 2019 йил якунига кўра реал ЯИМ ўсиш суръатининг дастлабки прогнозларга нисбатан бироз тезлашишига хизмат қилиши мумкин.

Пул-кредит шароитлари. Банк тизимида ликвидликнинг таркибий профицит билан шаклланишига боғлиқ ҳолда банклараро пул бозорида фоиз ставкалари 13,7 фоиздан 15,1 фоизгача оралиқда тебраниб турди. Июль ойининг ўтган даврида ўртача тортилган фоиз ставкаси 15,4 фоизгача кўтарилди.

I ярим йиллик якунлари бўйича тижорат банкларининг кредит қўйилмалари 23,4 фоизга (38,6 трлн. сўмга) ошган бўлса, йиллик ўсиш суръати прогноз кўрсаткичларидан 2 баробардан зиёдроқ ошиб, 52,8 фоизгача тезлашди. Бунда, миллий валютадаги кредитлар йил бошидан 22 фоиз ёки 16,3 трлн. сўмга (2018 йилнинг мос даврида 37,4 фоиз ёки 16,2 трлн. сўм), йиллик ҳисобда эса 54,0 фоизга кўпайди.

Кредит бозорининг жорий сегментлашган ҳолатида пул-кредит шароитлари алоҳида қарздорлар гуруҳи учун турлича бўлиб қолмоқда. Пул-кредит сиёсатининг қатъий шароитлари бозор шартларида кредит олувчи бизнес субъектларига кўпроқ сезилмоқда.

Таҳлил қилинаётган даврда муҳдатли депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкалари сақланиб қолди. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий валютадаги муҳдатли депозитлари 32,7 фоизга ошиб, уларнинг миллий валютадаги жами депозитлар таркибидаги улуши 32 фоизга (2018 йилнинг мос даврида 21 фоиз) етди.

Жорий ҳолатда депозитлар бўйича юқори фоиз ставкалари пул-кредит шароитлари билан бир қаторда инфляцияни кутилмалар юқорилиги билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Прогноз ва асосий хатарлар. Биринчи ярим йилликда инфляция даражаси прогноз коридорининг куйи чегарасида

шаклланишига қарамасдан, пул-кредит сиёсатининг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларининг муқобил сценарийсида назарда тутилган баъзи бир хатарлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Хусусан, энергия ресурслари нархларининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши, ҚҚС бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши, божхона божлари ва тарифларининг қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги, кредитлашнинг жадал суръатлари, инфляцияни кутилмаларнинг жиловланмаганлиги ва уларнинг нисбатан юқорилиги каби омиллар келгусида қўшимча инфляция босимининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Марказий банк юқорида таъкидлаб ўтилган инфляция хатарларининг амалга ошириш эҳтимолигини ҳисобга олиб, 2019 йил охирига инфляция прогнозини 13,5–15,5 фоиз даражасида ўзгартиришсиз сақлаб қолмоқда.

Бунда, 2019 йил III чорагида йиллик инфляция даражаси энергия ресурслари тарифлари, иш ҳақи ва пенсия тўловларининг кутулаётган оширилиши натижасида жорий кўрсаткичларга нисбатан бироз юқори бўлиши мумкин. Лекин, 2019 йилнинг IV чорагида тартибга солинадиган нархлар оширилишининг йиллик инфляцияга таъсири каммайиб, инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишига ёрдам беради.

Бюджет харажатларини мақбуллаштириш заруриятининг юзага келиши шароитида банкларни ўз ресурс базасини шакллантиришда марказлашган ресурслардан аънавий бозор инструментларига йўналтиришни рағбатлантириш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, пул-кредит сиёсатининг кейинги даврдаги йўналишини белгилашда инобатга олиб борилади.

Келгусида Марказий банк инфляциянинг ички ва ташқи омиллари таъсирини, иқтисодиёт ҳолатини диққат билан кузатиб боради, банкларнинг молиявий барқарорлиги мониторингини амалга оширади ҳамда иқтисодиётда ноаниқликлар ва таркибий шокларнинг босқичма-босқич камайишидан келиб чиқиб тегишли чоралар кўриб боради.

Бошқарувнинг қайта молиялаш ставкасини кўриб чиқиш бўйича навбатдаги мажлиси 2019 йил 20 октябрга режалаштирилган.

cbu.uz

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида Халқ банки раҳбарияти томонидан сайёр қабул ташкил этилди. Қабуллар давомида тадбиркорларнинг бир қатор муаммолари масалалари, таклиф ва мулоҳазалари тингланди ҳамда ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг бир қатор ечимини кутатган муаммолари бартараф этилди.

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТГАН ҚАБУЛ

Жумладан, ушбу тумандаги “Оқ чашма” фермер хўжалиги раҳбари Ж.Неъматов чорвачиликни ривожлантириш мақсадида четдан насли чорва молларини сотиб олишга маблағ сўраб, мурожаат қилди. Сайёр қабул давомида фермерга чорва моллари сотиб олиш учун Халқ банкдан 40,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит линияси ажратилиши белгиланди. Шунингдек, сайёр қабул давомида “Кашофиддин бобо” фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Украина давлатидан насли чорва моллари сотиб олиш учун 40,0 минг АҚШ долларлик кредит, “Гранд стар инновация” МЧЖ раҳбари У.Холматовнинг айланма маблағини тўлдириш учун 150,0 млн. сўм, енгил автоулов сотиб олиш учун эса 107,0 млн. сўм кредитлар ажратилиши белгиланди.



“Ҳарби роила-тадбиркор” дастуридоирасида Сайхунобод туманидаги “Синтоб” маҳалласида яшовчи Жасур Хусинов, Раҳматулла Бекназаров, Ҳайитгул Дўстназарова, Муқаддас Бекназарова каби 10 га яқин фуқарога имтиёзли кредитлар ажратиб берилди.

Тадбир давомида тижорат банклари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ажратилаётган имтиёзли банк кредитлари хусусида маълумотлар берилди.

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИБ

Халқ банки томонидан ходимларнинг малакасини ошириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида уч кунлик ўқув семинари ташкил этилди.

Янги форматда ташкил этилган тренингда бугунги замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи бошқарувни ташкил этиш, ходимларнинг назарий билимлари, амалий кўникмалари ва касбий маҳоратларини оширишга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, банк мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, ижро интизомига амал қилиш, касб этикети талабларига риоя қилиш каби банк имижини оширишга хизмат қиладиган жиҳатлар инобатга олинди. Жумладан, “team буилдинг”, “стресс менежмент” каби янги самарали хизмат кўрсатиш кўникмалари шакллантирилди.

Халқ банкнинг 30 нафарга яқин ходимлардан иборат “Тренерлар” гуруҳида хорижий мутахассислар ҳамда малакали психологлар ҳам қатнашиб, мастер-класс соатлари ўтказилди.

Келгусида ушбу ўқув семинарларда малака ошириган ходимлар махсус “Тренерлар” гуруҳларига бириктирилиб, Халқ банкнинг жойлардаги филиалларида меҳнат қиладиган ходимлари учун тренинглар ташкил этиш режалаштирилган.


Банк Ахборот хизмати

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2019 йил январь-июнь ойлари якунларига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 166 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, ташқи савдо айланмаси 19 683,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,8% га ўсди. Шу жумладан, экспорт ҳажми 8 437,6 млн. АҚШ долларга (ўсиш суръати 27,0%) ва импорт ҳажми 11 245,6 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати 32,0%) етди. Ташқи савдо сальдоси минус 2 808,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ташқи савдо ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг



асосий қисми бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу соҳадаги изчил ислохотлар бизга товар ва хизматлар бозорларини кенгайтиришга имкон беради. Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан саноат тизилмасини диверсификация қилишни, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибиде сезиларли ўзгаришга эришилди.

stat.uz

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида товар ва хизматлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 793,5 млн. АҚШ долларга кўпроқ экспорт қилинди, товар ва хизматлар импорти ҳажми эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 726,5 млн. АҚШ долларига кўпроқдир.

Иқтисодийнинг муҳим омили бўлган ташқи савдо операциялари мамлакатни ривожлантиришни таъминлайди. Бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортини оширишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлишга имкон беради.

БРИФИНГ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлигининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан "Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, инсон капитали даражасини ошириш" мавзусидаги брифинг бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатнинг иқтисодий соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни ҳисоботи ҳамда Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг 2030 йилгача ишлаб чиқилган концепцияси тақдим этилди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда жорий йилнинг январь-июнь ойларида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8% фозга ўсган. Саноат 6,9%, хизматлар -12,7%, чакана савдо айланмаси - 6,4% ва қишлоқ хўжалиги 2,1% га ўсгани қайд этилди. Шунингдек, қурилиш-ободонлаштириш ишларига 58,9% инвестиция ажратилиб, қурилиш-бунёдкорлик ишлари 20% га ошган.

Мамлакатимиз жаҳон савдо бозорларида ҳам ўз ўрнини мустақамламоқда. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ташқи савдо ҳажми 19,7 млрд. долларни ташкил этган бўлса, импорт 11,2 млрд долларни, экспорт ҳажми 8,4 млрд долларга етган. Бу кўрсаткичлар олдинги йилларга солиштирилганда бу соҳада ҳам ўсиш кузатилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда жорий ярим йилликда инфляция даражаси 5,56% га етгани, натижада озик овқат, истеъмол товарлари ва хизматлар нархи ошганлиги қайд этилди. Тадбирда вазирлик томонидан инфляциянинг олди олиниши учун кўрилатган чора-тадбирлар билан ўртоқлашилди. Унга кўра, ҳукурат томони

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 4 500 ДОЛЛАРГА ЕТАДИ

дан маҳсулотларнинг таннариhini тушириш мақсадида ишлаб чиқаришга сарфланаётган электр энергияси, табиий газ нархларининг жорий йилнинг 1 июнидан оширилиши бекор қилинди. Бу ҳолат инфляция даражасини 0,49% га жиловлаш имконини беради.

Шунингдек, Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида "Инфляция даражасини белгиланган прогноз параметрлари доирасида сақлаш бўйича чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилгани ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилгани маълум қилинди.

Тадбирда Иқтисодий ва саноат вазири Ботир Хўжаев мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида гапириб, улар олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга тўхталиди. Шунингдек, вазир ҳудудлар ва тармоқларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар, йилдан-йилга меҳнат бозорида ишга талабгорларнинг сони ортаётганидан янги иш жойларини яратиш зарурлиги, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш долзарб муаммага айланаётгани ҳақида таъкидлади. Унинг келтиришича, бу йил меҳнат бозорига 600 минг нафар киши кириб келган. Яратилган иш ўринлари эса жорий йилнинг ярим йиллигида ҳам 137,5 мингдан ортиқни ташкил этган.

Брифинг давомида Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясининг тақдимоти ўтказилди. Вазирлик депортамент бошлиғи Илҳом Маматқулов йиғилганларни вазирлик томонидан ишлаб

чиқилган, келгусида юртимиз иқтисодий ривожланишида амалга оширилиши кўзда тутилаётган устувор вазифалар билан таништирди.

Концепцияда белгиланган устувор вазифалар ва чора-тадбирлар мамлакат иқтисодий ўртадан юқори даромадли мамлакатлар гуруҳига киритиш имконини бериб, 2030 йилда жон бошига ЯИМ 4 500 АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бу каби юқори кўрсаткични кўзлаётган дастур ўз ичига 15 та омилни қамрайди.

Концепцияда куйидаги устувор вазифалар амалга оширилиши кутилмоқда: Институционал ислохотларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий жабҳаларини эркинлаштириш, саноатнинг қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ресурсларини тўғри тақсимлаш, таълим тизими сифатини ошириш, узлуксиз касб-хунар таълим тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган аҳолига ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестиция ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқариш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини оқилона тақсимлаш, иқтисодий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, технопарк тизимини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Брифинг сўнггида вазирлик мутасаддилари ва ОАВ вакиллари ўртасида қизқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ДУБАЙГА САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" банк ташкил топганлигининг 25 йиллигига ва UnionPay International билан ҳамкорликда акция эълон қилади.

Бош соврин - Дубайга икки кишилик саёҳат!

Акция шартлари:

- "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан чиқарилган кобейджинг (UPI) картаси эгаси бўлиш;

- карта ҳисобини камида 100 минг сўмга тўлдириш;

- 100 минг сўм ва ундан юқори суммага тўловни амалга ошириш ва бош соврин ҳамда қўшимча совринлар (смартфонлар, телевизорлар ва бошқалар) учун танловда иштирок этиш.

Акция 2019 йил 25 июлдан 25 августгача (25 август ҳам киради) ўтказилади.

Фолблар акция тугагач Random.org хизмати ёрдамида аниқланади.

Фолблар Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида тақдирланади.

"Қишлоқ қурилиш банк" кобейджинг карталарига эга бўлишга ва ютуқларни қўлга киритишга шошилинг!

"ТРАСТБАНК" ДАН ЯНГИЛИК



Энди "Трастбанк" банкоматларидан мижозлар Uzcard карталари ёрдамида нақд пул ечиш, шунингдек, хорижий валютани сўмга айирбошлаш имкониятига эгалар.

Буни "Трастбанк"нинг 40 дан ортиқ банкоматларида амалга ошириш мумкин.

АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲА ИШГА ТУШДИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" "Technoshop" дўконлар тармоғи билан ҳамкорликда жисмоний шахсларга мўлжалланган янги лойиҳани ишга туширди.



Эндиликда "Technoshop" дўконларида жисмоний шахслар "Ўзсаноатқурилишбанк" истеъмол кредитлари кўмагида барча турдаги уй-рўзгор буюмларини харид қилишлари мумкин.

Этиборлиси, кредитлар гаровсиз ва бошланғич бадалсиз, атиги 2 та ҳужжат (фуқаро паспорти ва даромади ҳақидаги маълумотнома) асосида тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тижорат банкларига тизимда ислохотларни жадаллаштириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам шундан келиб чиқиб ўз фаолиятида янги даврни, яъни бизнес юритиш моделини трансформация қилиш жараёнини бошлади. Бу ислохотлардан асосий мақсад – аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама қулай ва замонавий банк хизматларини кўрсатишдир.



"АГРОБАНК" ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

Айни кунда "Агробанк" АТБ томонидан банк молиявий ҳолатини мустақамлаш ҳамда 2019-2020 йилларда жадал ривожлантириш бўйича "Йўл харита"си ишлаб чиқилиб, шу асосда қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Авваламбор, банк томонидан хизмат кўрсатиш сифатини юксак даражага олиб чиқиш учун амалий ишлар қилинаётир. Жумладан, ходимларнинг малака ва тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, етакчи хорижий банклар тажрибасини ўрганиш мақсадида банкнинг бир

гурӯх ходимлари Туркиянинг "Зираатбанк"и ва Россиянинг "Сбербанк"ида ўқув амалиётларида бўлиб қайтишди. Бундай малака ошириш ва тажриба алмашиш бўйича олиб борилаётган ўқув ишлари ҳозирда янада жадал давом эттирилмоқда.

Шунингдек, малакали мутахассис ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, банк тизимида жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар қилинмоқда. Жумладан, шу кунга қадар "Агробанк" филиалларидаги иш фаолияти асосан, филиал биносида бевосита мижозлар ташрифини кутиш, келган мижозларга турли йўналишга ихтисослашган ходимлар томонидан алоҳида хоналар ва дарчалар орқали хизмат кўрсатилади эди. Эндиликда эса берилган тавсиялар ва хорижий амалиётлар асосида "Агробанк"нинг Янгийўл филиалида намунавий банк хизматларини кўрсатувчи муассаса ташкил этилди.

– Мазкур филиалимиз буткул қайта таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Ходимлар ҳам илғор молия



муассасаларида ўқитилиб, малакаси оширилди. Хуллас, филиалда мижоз учун зарур бўлган барча қулайлик яратилди, – дейди "Агробанк" АТБ Матбуот хизмати бошлиғи Санобар Умарова. – Эндиликда филиалда бир банк ходими мижозларга универсал банк хизматларини кўрсатади. Бу мижозлар вақти тежалишига ва иш унумининг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, хизмат кўрсатишни универсallasштириш натижасида филиалдаги ходимлар сони ҳам оптимallasштирилди.

Шу билан бирга филиалда ўзига хос электрон навбатлар ҳам татбиқ этилди. Мижоз электрон навбат орқали хизмат туридан фойдаланганда хиз-

мат кўрсатиш учун кетган вақт онлайн тарзда таҳлил қилинади. Бу эса банк хизмат турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш имконини беради.

Келгусида банк томонидан Янгийўл филиали тажрибасини "Агробанк"нинг ҳудудлардаги 177 та филиалига татбиқ этиш орқали, банк филиалларидаги 20-30 фоиз, тизим бўйича эса қарийб икки мингта ходим бевосита мижозлар учун қулай ва яқин бўлган банк хизматлари марказларига ўтказилади.

Албатта, буларнинг барчаси мижозлар ишончини қозониш ва хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришга қаратилган эзгу ишлардир.

Малика ПЎЛАТОВА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирда ана шу ишлар сарҳисоб қилиниб, эришилган ютуқлар ва қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам қайд этиб ўтилди.

– Республикамиз қишлоқларини обод қилиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган Давлат дастурлари доирасида 2009-2019 йилларда республикада 123 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича иш олиб борилди. Ушбу уй-жойларнинг 80 мингдан ортиқ қисми бевосита "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан молиялаштирилди, – дейди "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ бошқарув расисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов. – Банк томонидан молиялаштирилган мазкур уй-жойлар учун аҳолининг 3,23 трлн. сўм ва банкнинг 6,34 трлн. сўм имтиёзли ипотека кредит маблағлари йўналтирилди.

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши "Обод қишлоқ" дастури билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши белгиланганлиги ҳақида сўз юритилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, "Обод қишлоқ" дастурига киритилган аҳоли пунктларида, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари би-

ЖОРИЙ ЙИЛ 13 МИНГТА АРЗОН УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛАДИ



лан таъминланмаган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнама-ён қуриладиган) арзон уйлар қуриш режалаштирилган. Шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартиралли (2 ва 3 хонали) уйлар қурилади.

Айни кунда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" намунавий уй-жойларни молиялашда халқаро молия муассасаларининг маблағларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Жумладан, банк иштирокида қурилаётган 6508 та уй-жойлардан умумий қиймати 400,65 млрд. сўмлик 2183 та уй-жойлар Осие тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан ва умумий қиймати 657,9 млрд. сўмлик 4325 та уй-жойлар Ислום тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш ишлар-

рени молиялашда Ислום тараққиёт банки кредит линияси жалб этилган бўлиб, мазкур банк маблағлари ҳисобидан Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида қурилаётган 4325 та уй-жойлар учун пудрат ташкилотларининг бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича 331,9 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компаниясига ўтказиб берилди.

Албатта, бунёдкорлик ишларида фуқароларнинг бошланғич бадаллари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги аҳолидан шакллантирилган 54,1 млрд. сўм маблағлар асосий қурилиш материаллари ва усқуналари хариди учун йўналтирилди.

2019 йил Дастури доирасида қуриладиган арзон уй-жойларнинг

айримларини энергия самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағларининг йўналтирилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда банк билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида қуриладиган арзон уй-жойларнинг 800 тасини энергия самарадорлигини ошириш бўйича 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қўшимча харажатларни қоплаш бўйича битим тузилди.

Анжуман давомида банк томонидан тегишли Дастурлар доирасида белгиланаётган навбатдаги вазифалар ҳақида ҳам маълумот берилиб, тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтарилди.

Рустам ХОЛМАТОВ

ЧИНОЗ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, яқинда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида “Ипотека-банк” АТИБ Чиноз филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Филиалнинг очилиш маросимида банк мутасаддилари, тadbиркорлар, банк миждозлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Қайд этиш жоизки, аҳолига кенг қўламдаги хизматларни кўрсатиш мақсадида қайта куриб битказилган мазкур филиал замонавий қиёфага келтирилиб, сўнги техник жиҳозлар билан таъминланди. Банк миждозлари учун барча шартитлар яратилди. Хизмат кўрсатиш сифати ҳам шунга монанд бўлиши учун барча чоралар кўрилди.

Қолаверса, филиал биноси туман марказида жойлашган бўлиб,



аҳолига, хусусий бизнес ва тadbиркорлик субъектларига замонавий банк хизматларини кўрсатишда ўзига хос қўлайлик туғдиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда “Ипотека-банк” ва Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда банкни институционал трансформация қилиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини тубдан қайта ташкил этиш, замонавий бизнес моделини яратиш орқали халқаро андозлар талабларига мувофиқ иш юритувчи банк сифатида шакллантиришни мақсад қилиб олган. Юқоридаги амалий ишлар эса мазкур йўналишда илдамлик билан ҳаракат қилинаётганидан дарак беради.

finance.uz

ЁШ ТАДБИРКОРНИНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАСИ

Айни кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, фермер хўжаликлари фаолияти жадал суръатларда ривожланиб бораётир. Албатта, бунда уларнинг юқори муваффақиятларга эришишида тижорат банкларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Ана шундай ўз фаолиятини кенгайтириб, янги марралар сари одимлаётган тadbиркорлардан бири ёш фермер Тимур Панаевдир. У бошчилик қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани “Панаев Фармс” фермер хўжалигида бугун иш қизғин. Чунки ҳудуд аҳолисини арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда хўжаликнинг алоҳида ўрни бор.

Ёш фермер Тимур Панаев 2016 йил 20 бош наслдор қорамол билан хўжалик фаолиятини бошлаган эди. Шу йилнинг ўзида замонавий чорва комплексини барпо этиб, Германиядан 60 бош Симментал ва 17 бош Голиштин-фриз зотдор қорамол, шунингдек, Австрия мамлакатидан 305 бош Заанен зотдор эчки олиб келди. Бундан ташқари, ўтган йили Испаниядан 315 бош “Мурсиана Гранадина” зотдор эчки ва 315 бош “Ассаф” зотдор кўй келтирилди.

Фермер хўжалигининг 400 гектар экин майдонига, 500 гектар яйловга эгаллиги чорвага озуқа борасидаги масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу

боис, озуқа борасида хўжаликда муаммолар йўқ.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади, деб бежиз айтишмаган. Чорва комплексидан Швейцария ва Греция фирмаларининг замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлиб, 10 дан зиёд турли русумдаги техникалар иш самарадорлигини янада оширмоқда. Ақсарият юмушлар компьютер ёрдамида автоматлаштирилган тарзда бошқарилади.

Айни дамда фермер хўжалигида сигирлардан ҳар куни 850-900 литр, эчкилардан эса 250-300 литрдан сут соғиб олинмоқда. Етиштирилаётган сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни аҳолига тайёр маҳсулот сифатида етказиб бериш мақсадида фермер хўжалигининг Нукус шаҳридаги шўъбаси – “Пана Милк” мини сут заводи ишга туширилди. Ушбу заводнинг ишга туширилиши баробарида 12 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда заводда сут, қатиқ, қаймоқ, творог, пишлоқ каби 54 турдаги сут маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, Нукус шаҳрида ва Хўжайли тумани дўконларида сотилмоқда.

– Яқин кунларда 100 бош молга мўлжалланган яна бир замонавий чорва комплекс ишга туширилади, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Тимур Панаев. – Янги комплексга Туркиянинг замонавий ускуналари ўрнатилди. Бунинг учун Халқ банкининг Қораўзақ тумани филиалидан 118 минг доллардан зиёдроқ миқдорда кредит ажратилди. Бугунги кунда ускуналар туркиялик мутахассислар томонидан ўрнатилмоқда. Янгидан барпо этиладиган комплексга 66 бош Голиштин-фриз, 31 бош Симментал зотдор қорамол олиб келинади. Бу бўйича Австрия мамлакатининг “Agro Breeding GmbH” компанияси билан 248 минг 850 АҚШ долларлик шартнома тузилди.

– Албатта, бу каби йирик лойиҳаларни Халқ банки билан ҳамкорликда амалга ошираяпми. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар фаолиятимизни кенгайтиришда асосий манба бўлиб хизмат қиляпти. Худди шундай ҳамкорлигимиз самараси ўлароқ яқин кунларда аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида яна бир сутни қайта ишловчи заводни Халқ банки кўмагида ишга тушираяпми, – дейди фермер.

Дарҳақиқат, ушбу хўжаликда қадоқланган сут, йогурт, сметана, творог, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчиларга маъқул бўлмоқда. Бундай маҳсулотларнинг тури ҳамда ҳажмининг кўпайиши Оролбўйидаги аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради.

Сарвар ОЧИЛОВ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали экспортбop товарларни яратиш, тadbиркорларларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан қатор чора-тadbирлар ишлаб чиқилмоқда.

ҚИШЛОҚ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН – 300,6 МЛН. ДОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.07.2019 йилдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт иштирокида “Фарғона водийсида қишлоқ тadbиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4399-сон қарорига мувофиқ, умумий қиймати 300,6 млн АҚШ доллари бўлган “Фарғона водийсида қишлоқ тadbиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилади.



Маблағларнинг бир қисми – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 25 йил муддатга олинган 200 млн АҚШ доллари миқдоридagi қарз. Кредит маблағларини ўзлаштириш 2019 йил сентябрь ойидан бошланади. Қарз Молия вазирлиги томонидан қайтарилади.



БАНК МИЖОЗЛАРИГА – ЯНАДА КЎПРОҚ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИАТЛАР

Банк хизматлари истеъмоличлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низомга тузатишлар 2019 йил 16 октябрдан кучга киради (рўйхат рақами 3030-1, 15.07.2019 йил).



Ҳужжат банклар миждолазининг ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтиради, шунингдек банк хизмати кўрсатиш механизмининг айрим жиҳатларига аниқлик киритади.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ: ЎЗИНГИЗ БИЛАН ОЛАСИЗ – ТАНИШАСИЗ – ИМЗОЛАЙСИЗ

Шахс банк хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномани имзолагунга қадар ундаги шартлар билан танишиш учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли. Бунда банкларга бу ҳуқуқ тўғрисида миждолазларни хабардор қилиш мажбурияти юкланади. Қоида барча банк хизматларига нисбатан қўлланади: кредит, депозит, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш, лизинг, банк карталари ва бошқалар.

Расмийлаштирилган шартнома нусхаси имзоланган кунда миждолазга ёки унинг ваколатли вакилига тақдим этилиши керак.

АХБОРОТ ВАРАҚАСИ КРЕДИТ ШАРТЛАРИНИ ТАНЛАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ

Мазкур хизмат бўлғуси кредит олувчи турли банклар томонидан таклиф этилаётган турли-туман кредит шартларида саросимага тушмай, солиштириш йўли билан ўзи учун энг мақбул вариантни танлаши учун мўлжалланган. Банк ходими миждолаз кредит расмийлаштириш хусусида муружаат қилганда у билан бирга белгиланган шаклдаги ахборот варақасини тўлдириши шарт. Унда куйидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг асосий шартлари: кредитнинг фоиз ставкаси; муддати, миқдори, сўндириш усуллари; кредит бўйича тўловлар даврийлиги; банк комиссияси ва йиғим миқдори; кредит шартномаси шартлари бузилганлиги учун неустойка, қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаганлиги учун кредит суммасидан тўланадиган оширилган фоиз ставкаси миқдори; кредитнинг таъминоти тури ва бошқалар;

- кредитни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар рўйхати;

- бўлғуси қарз олувчи сифатида миждолазининг ҳуқуқлари.

Ахборот варақаси тўлдирилгандан кейин миждолазга бепул берилади.

Шунингдек, жисмоний шахс яшаш жойидан қатъи назар ўзи танлаган исталган банкка кредит олиш учун муружаат қилиши мумкин.

ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ЖОЙИ – ҲАҚАТ МИЖОЗНИНГ ИХТИЁРИГА КЎРА

Банк хизматлари истеъмоличиси-жисмоний шахс банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлашга ҳақли. Банк томонидан тўлов шаклига қараб (нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) банк хизматлари учун ҳар хил нархлар (тарифлар) белгилаш тақиқланади.

Бундан ташқари, банклар хизматлар учун тўловларни фақат ўз филиалларининг кассалари (мини-банклари) орқали ва нақд пул шаклида тўлаш, шунингдек омонатларга маблағлар фақат нақд пул шаклида қабул қилиш лозимлиги бўйича талаб белгилашга ҳақли эмас.

Яна банкларга омонатчилар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган чекловларни белгилаш тақиқланади.

МИЖОЗЛАРГА – ЯНАДА КЎПРОҚ АХБОРОТ

Банк омонати шартномаси тузишга қадар хизматлар истеъмоличисига оғзаки шаклда етказиладиган маълумотлар рўйхати тўлдирилади. Булар:

- фоиз ставкалари;
- омонат бўйича асосий сумма ва фоизларни тўлаш тартиби;
- қўшимча маблағлар киритиш имконияти;
- нақд пул кирим қилинадиган ҳужжат тўғрисида ахборот;
- омонатга жойлаштириш учун маблағларни тўлашдан олдин банк билан депозит шартномасини расмийлаштиришнинг мажбурийлиги.

Кредит шартномаси тузилишидан олдин банклар қарз олувчиларни кредит олиш учун за-

рур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати, уларни кўриб чиқиш муддатлари ва таъминот учун қабул қилинадиган гаров турлари (агар гаров талаб этилса) билан таништиришлари лозим.

Бундан ташқари, банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумот кучга киришидан камида 10 кун олдин, валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумот зудлик билан эълон қилиниши лозим.

ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

Умумий қоидада кўра, кредит бўйича талабларни бошқа шахсга ўтказиш фақатгина қарз олувчининг розилиги билан амалга оширилади. Қабул қилинган ҳужжатда аниқлаштирилишича, мазкур қоида ипотека кредитлари бўйича талабларни Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясига ўтказишга татбиқ этилмайди. Яъни бундай ҳолатларда қарз олувчининг розилиги талаб этилмайди.

Банклар ва истеъмоличиларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун - call-марказлар миждолаз оғзаки тушунтириш ва маслаҳатлар олишлари учун call-марказлар кўмағида банк билан алоқа ўрнатилади. Са11-марказлар телефонларининг рақамлари банк расмий веб-сайти бош саҳифасида, шунингдек, унинг филиаллари, мини-банклари ва банк биносидан ташқарида жойлашган кассаларининг ахборот стендларида жойлаштирилади. Са11-марказ орқали тушаётган муружаатларни кўриб чиқиши шарт. Истеъмоличининг оғзаки муружаатида баён этилган масала қўшимча ўрганишни ёки қўшимча текшириш ўтказишни талаб этмаса, ушбу муружаатга жавоб телефон орқали ёки шахсий қабул давомида оғзаки берилиши мумкин. Call-марказлар туну кун ишлашмаслигини, муружаатлар фақат иш вақтида қабул қилинишини эътиборга олинг.

МИЖОЗЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ - ҚАТЪИЙ ҚОНУН БЎЙИЧА

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари белгиланган. Бунда аноним муружаатлар, шунингдек ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган шахслар орқали берилган муружаатлар қабул қилинмайди. Муружаатлар бепул кўриб чиқилади. Банкларга ўзининг расмий веб-сайти орқали электрон муружаатларни қабул қилишни ташкиллаштириш вазифаси топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 16.07.2019 йилдан кучга кирди.

ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ

Қонун билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди.



Жисмоний ва юридик шахсларга туризм объектлари тўғрисида маълумот берувчи ҳамда уларни тарғиб қилувчи туристик ахборот марказлари ташкил этилади.

Қонунга мувофиқ, туроператорлик ва турагентлик фаолияти, шунингдек саёҳатлар ташкил этишга доир бошқа фаолият туристик фаолият ҳисобланади.

Туроператорлар ва турагентлар фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Экскурсия хизматлари кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркор бўлган жисмоний шахсларга туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олиш талаб қилинмайди.

Гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар Қўмита томонидан бериладиган сертификат олгандан кейин, юридик шахс ташкил этмасдан мустақил равишда хизматлар кўрсатиши мумкин.

Қонунга мувофиқ, Қўмита Ўзбекистоннинг Миллий туристик белгисини ишлаб чиқади.

Мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

ГЎШТ ҚҚСдан ОЗОД ҚИЛИНДИ

Ҳукумат қарори (591-сон, 16.07.2019 й.) билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Маълумки, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёз Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини чакана ва улгуржи реализация қилганда берилади.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, 2019 йил 1 октябргача бўлган муддатда импорт қилинган гўшт (мол, қўй, товуқ), шунингдек тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ҳамда уларнинг сўйиш маҳсулотлари ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди.

“South China Morning Post” хабар қилишича АҚШ ва Хитой ўртасида яқинда тузилган савдо сулҳидан кейин илк мартаба АҚШ савдо вакили Роберт Лайтхайзер бошчилигида Молия вазири Стивен Мнучин келгуси ҳафтада яқин мулоқотлар ўтказиш мақсадида Хитойга йўл оладилар.



Хитой халқ Республикасининг бош вазир ўринбосари Лю Хе билан АҚШ давлат маъмурияти вакиллари учрашувидан икки йирик давлатнинг савдо муносабатлари яхшиланиши кутилмоқда. Шунингдек, икки давлатнинг савдо муносабатлари тўғрисидаги шартномасини тузиши узоқ

муддатга чўзилиши тахмин қилинмоқда.

“Вести. Экономике” сайти маълум қилишича АҚШ ва ХХР давлат раҳбарлари G20 саммитида савдо алоқаларини тиклаш ҳақида келишиб олишганди. Бу келишувларда икки давлат ўртасида савдо шартно-

АҚШ – ХИТОЙ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

маларини тузишда мuddати айтилмаган.

Хитой ва АҚШ маъмурий вакиллари июль ойида 2 мартаба телефон орқали мулоқот қилишган. Economic Daily давлат нашриётига қарашли Taogang Notes ижтимоий тармоғи бу мулоқотларни икки давлат муносабатларини яхшилашга хизмат қилишини билдирмоқда. Бундай ўзаро телефон мулоқотлари июль ойининг охиригача давом этиши мумкин.

Хитой томони кутилмаганда бу мулоқотлар гуруҳига янги вакиллари жалб этди. G20 саммитида иштирок этган Имстал коммерция вазири Чжун Шань ўтган ҳафта АҚШ вакиллари билан телефон мулоқотида қатнашди. Қатор расмий вакилларнинг қайд этишича, Чжун Шань АҚШга қарши жуда қаттиқ муносабатни қўллаш тарафдорларидан.

Жорий йилнинг май ойида Лондондаги уй-жойлар нархи йиллик ҳисобда 4,4 фоизга тушиб кетди, дейилади Миллий статистика бошқармаси (ONS) маълумотномасида.

УЙ-ЖОЙ НАРХИ МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА ТУШИБ КЕТДИ



Сўнги бора уларнинг нархи ўн йил аввал, 2009 йилда максимал даражада, яъни йиллик ҳисобда 7 фоизга пасайган эди. Буюк Британия ва Шимолий Ирландиядаги уй-жойлар нархи май ойида йиллик ҳисобда 1,2 фоизга ортган эди.

Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, Буюк Британияда уй-жойларнинг ўртача нархи 2018 йил августда 232 минг фунт стерлингни ташкил қилган бўлса, 2019 йил май ойида бу кўрсаткич 229 минг фунт стерлинга тушиб қолди. Бу эса Лондон ва Англиянинг Жанубий-Шарқий худудларидаги ўртача нархнинг пасайишига сабаб бўлди.

Айни пайтда энг қиммат уйлар нархи Лондон шаҳрида бўлиб қоляпти. 2019 йил май ойида Лондондаги уйларнинг ўртача нархи 457 минг фунт стерлинга етди.

Бозордаги кайфият ва фаолликка Brexit атрофидаги мавҳумлик таъсир кўрсатмоқда. Буюк Британия парламенти кўп мартаба Брюсселнинг Brexit бўйича тузган битимини тасдиқдан ўтказишни рад этди. Натижада Буюк Британиянинг ЕИ таркибидан чиқиб кетиши 2019 йил 31 октябрга сурилди.

ЖАҲОН БАНКИ БЕЛОРУСДАН 5 ТА КАТТА ИСЛОҲОТ ЎТКАЗИШНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ

Беларусь ҳукумати ва Жаҳон банки 2019 йил январь ойида ислохотларнинг “йўл харитаси” устида иш бошлади. Ҳужжатда бешта асосий йўналиш мавжуд: давлат харajatларини ислох қилиш, энергетика сектори, давлат корхоналари, молия сектори, ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик тизимларидир.



Беларусь ва Жаҳон банки (ЖБ) сентябрь ойида Беларусь иқтисодиётидаги ислохотларнинг қўшма “йўл харитасини” мувофиқлаштиришни яқинлашлари мумкин, деди Беларусь Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Александр Турчин яқинда бўлиб ўтган музокаралар чоғида.

Минскда бўлиб ўтган учрашувда Беларусь вакиллари Жаҳон банкининг Беларусь, Молдова ва Украина бўйича минтақавий директори Сату Какхонен бошчи-

лигидаги делегация билан музокара ўтказди.

“Менимча, миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириш бўйича “йўл харитаси”га биноан, келишмовчиликлар жуда кўп эмас. Ушбу ишни шу йил сентябрь ойида яқунлашимиз ҳақида таклиф бор. Беларусь ҳукумати “йўл харитасини” муҳокама қилди ва деярли барча масалалар бўйича умумий ечимлар топилди. Агар бирон бир масалада муросага эриша олмасак, биз уларни юқори даражада ҳал қилишга ҳаракат қиламиз”, деди Турчин.

Ўз навбатида, Какхонен таъкидлаганидек, ҳал қилинган саволлар жуда кўп эмас, аммо бу муҳим масалалар муҳокама қилиниши зарур.

Сингапур давлати халқаро иқтисодий тизимда ўз ўрнига эга мамлакатга айланмоқда. Ушбу мамлакат 2018 йилда халқаро хорижий инвестициялар рейтингига 4-ўринни эгаллади. Бу юқори кўрсаткичларни Сингапур қандай қўлга киритмоқда?

Сингапур Республикаси Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган, асосан ороллардан, хусусан, Пулау Убин ороллари, Пулау-Теконг, Центоса ва 60 дан зиёд кичик ороллардан ташкил топган давлатдир. Малайзия таркибига кирувчи Жоҳор султонлиги ва Индонезиянинг Риау ороллари билан чегарадош. Иқтисодиёт, молия, таълим соҳасида ривожланган Осиё давлатларидан бири ҳисобланади.

Сингапур 2003 йилдан бери дунё топ рейтингларида юқори натижаларни

МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИ АЪЛО ДАВЛАТ


эгаллаб келмоқда. Жумладан, ўн йил кетма-кет бизнесни юритиш учун дунёдаги энг қулай мамлакат сифатида Жаҳон банкининг “Doing Business” рейтингига биринчи ўринни эгаллади.

Жаҳондаги йирик банклари сони бўйича ҳам Сингапур дунёда учинчи ўринда. “Блумберг” нашрининг энг ишончли 10 та банкининг сўнги рейтингига кўра, Сингапурнинг “Oversea-Chinese Banking Corporation” компанияси биринчи ўринни қайд этган. Биринчи ўнтаклик ичида эса Канаданинг тўртта ва Сингапурнинг учта банклари мавжуд. Бу ўз-ўзидан мамлакатда молиявий тизим яхши йўлга қўйилганини кўрсатади.

2018 йилда Сингапурда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 78 мил-

лиард долларни ташкил этди. У Ҳонг Конг (Хитой) дан кейинги 4-ўринни эгаллади. Бу натижага эришишда мамлакатда хорижий инвесторларнинг иш юритиши учун барча қулай муҳит яратилгани асос бўлмоқда.

Сингапур очик савдо усулидан фойдаланган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишининг фаол стратегиясига эга эканлиги унинг иқтисодий ривожланишининг асоси ҳисобланади. Чет эллик сармоядорларга кредит беришининг қулайлиги, оддий тартибга солиш тизими, солиқ имтиёзлари, сиёсий барқарорлик, юқори сифатли саноат худудлари, бизнесда дўстона муносабат мавжудлиги ва коррупциянинг йўқлиги Сингапурга кўплаб инвесторлар киришини таъминлаб



берди ва инвестициялар учун жозибадор худудга айлантирди.

Айни дамда мамлакат янада кўпроқ инвестиция жалб қилиш мақсадида жозибадор солиқ режими ишламоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари, кредит шартларини юмшатиш ва инвестицион имтиёзларни таклиф қилаётир.

Сўзимиз сўнггида

очик савдо, фаол стратегия, инвестицион имтиёзлар, коррупцияга йўл қўймаслик, таълим-тарбиянинг самарали ташкил этилгани Сингапур давлатининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига замин бўлмоқда, дея айтишимиз мумкин.

Аълобек АБДУМАННОБОВ,
интернет материаллари асосида тайёрлади.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАГАН ОМАДЛИЛАР

АҚШда айрим мансабдор шахсларга пора бериш орқали фарзандларини илғор таълим муассасасига киритиш истагида бўлган ота-оналар билан боғлиқ можаролар учраб турибди.

ЛЕОНАРДО ДЕЛЬ ВЕККИО

Хозирги кунда "Люксотика" фирмасини бошқариб келаётган Леонардо Дель Веккио Америка, Хитой, Италия ва Россия давлатларидаги корхоналарида оптик ва химия линзалари, кўзойнак ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаради. Леонардога тегишли фирма йилига 6 миллиард долларлик айланмага эга.



Леонардо Дель Веккио 1935 йилда Миланда туғилган бўлиб, онаси беш болани вояга етказишга қурби бўлмаганлиги боис уни 7 ёшлигида болалар уйига ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Ўз меҳнат фаолиятини Леонардо автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариладиган фабрикада механик ёрдамчиси сифатида бошлаган.

МИКЕЛЕ ФЕРРЕРО

Микеле Ферреро — италиялик тадбиркор, шоколад ва бошқа турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган Ferrero компанияси асосчиси. Ўз вақтида у Forbes рўйхатида 17 миллиард АҚШ долларлик бойлиги билан етакчи ўринни эгаллаган.



"Вести.Экономика" нашрида қайд этилишича, голливуднинг машҳур санъаткорлари Лори Лафлин ва Фелисити Хаффманлар айнан юқорида келтирилган жиний иш билан шуғулланганликда айбланмоқда.

Айрим ота-оналар Жоржтаун,

Ferrero компанияси Микелонинг отаси Пьетро Ферреро томонидан ташкил этилган бўлса-да, 1957 йилда Микело бошқарувида ўтганидан сўнг компания Италиянинг омадли компанияларидан бирига айланди. Айнан унинг ташаббуси билан Nutella ва "Киндер Шоколад" номлари остидаги ширинликлар ишлаб чиқарилди. Айниқса, шу кунга қадар миллиардлаб хонадонларга кириб борган "Киндер Совға" номи остидаги ширинлик компанияга улкан муваффақият олиб келди.

АННА ВИНТУР

Анна Винтур — Америкада босиб чиқариладиган Vogue нашри бош муҳаррири, англиялик журналист. Замонавий мода тизимининг энг обрўли вакиласи ҳисобланади.

Анна Англиядаги Evening Standard нашрининг бош муҳаррири Чарльз Винтурнинг қизи бўлиб, ёшлигиданоқ мода оламига жуда қизиққан.

Унинг нашриёт билан боғлиқ ҳаёти 15 ёшидаёқ бошланган. Чунки у шу ёшдан бошлаб отасига газетани қизиқарли бўлиши учун турли маслаҳат бериб кўмаклашган.



VOGUE

У мода соҳасидаги илк шарҳларини Британиянинг Harper's & Queen нашрида эълон қилган ва у шу нашрда оддий шарҳловчиликдан тортиб бош муҳаррир ўрин-босаригача бўлган лавозимларда фаолият юритган.

Кейинроқ у АҚШга ўтиб, Harper's Bazaar, Viva, Savvy, New York нашрларида меҳнат қилган. 1988 йилда у Американинг Vogue нашрига қайтиб келди ва уни бошқарди. Винтур нашрнинг ташқи кўринишини буткул ўзгартирди ва

Стенфорд, Лос Анжелесдаги Калифорния университети, Сан Диего, Техас, Йель университетлари ва бошқа шу сингари таълим муассасаларида фарзандлари тахши олиши учун 6,5 миллион АҚШ доллари гача бўлган қийматда пора беришни маъқул кўришган.

ўша вақтларга хос бўлмаган янги муқовада чоп этилишига эришди.

ИНГВАР КАМПРАД

Ингвар Кампрад — шведиялик тадбиркор, уй учун зарур маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи дўконлар тармоғи ҳисобланмиш IKEA компанияси асосчиси. Жаҳоннинг энг бадавлат шахсларидан бири бўлган. Ингвар болалигидаёқ қўшнилари гугурт



сотиш орқали тадбиркорлик билан шуғулланган.

У Стокгольмдан катта партиядоги гугуртларни нисбатан арзон нархда сотиб олиш ва доналаб қимматроқ нархда сотиш орқали яхши фойда кўриш мумкинлигини сезиб қолди. Кейинроқ у балиқ, ручка ва қаламларни сота бошлади.

Ингвар 17 ёшга тўлганда отаси совға қилган пулга кейинчалик IKEA номи остида ишлаган корхонага асос солди.

КАРЛ АЛЬБРЕХТ

Карл Альбрехт — Германиянинг энг бадавлат шахсидир. Унинг ота-онаси оддий ишчилар бўлган. Отаси шахтада ишлаган бўлса, онаси Альбрехт хоним шахсий озиқ-овқат расасига эга бўлган. Айнан шу раста



Карлга Aldi дўконлар тармоғига асос солишига олиб келди.

1946 йилда Карл Альбрехт ва

ФРБ қалтис ишга алоқадор 50 га яқин иштирокчиларни аниқлади. Масалан, ота-оналар 2011 йилдан то 2019 йилга қадар Edge College & Career Network таълим муассасаси соҳиби Уильям Рик Сингерга умумий ҳисобда 25 миллион АҚШ долларилик пора беришган.

Лекин олий маълумотга эга бўлмасдан ҳам улкан муваффақиятларга эришиш мумкин экан. Буни куйидаги уддабурон тадбиркор ва меҳнатсевар инсонларнинг ҳаёти ҳам айтиб турибди.

унинг укаси оилавий тадбиркорликни ривожлантирди. Тўрт йил ичида улар 13 та янги дўконларни очишга эришди ва 1960 йил охирида бу рақам ўн баробарга ортди. Ака-укалар Германия буйлаб 350 дўконга эгалик қилди ва компания миллий бозорнинг 47 фоизлик улушига эга бўлди.

Бугунги кунда Aldi дўконларини АҚШ, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа давлатларда учратиш мумкин.

АМАНСИО ОРТЕГА

Амансио Ортега — тадбиркор, Inditex компаниясининг асосчиси ва собиқ президенти бўлиб, компания дунёнинг 88 та мамлакатда 6750 та дўконига эга. Бундан ташқари, Ортега Флорида, Мадрид, Лондон ва Лиссабонда мулклари



мавжуд бўлиб, газ, туризм ва банк соҳаларида сармоа ҳам киритган.

Спортнинг футбол ва конкур турларида улушга эга. Амансио Ортега темир йўлчилар оиласида туғилган бўлиб, онаси машҳур молиячилар оиласида хизматчи вази фасида ишлаган.

Моддий етишмовчилик сабабли Амансио ҳатто ўрта мактабни тугата олмаган ва 13 ёшдан бошлаб эркаклар кийими дўконига маҳсулот етказиб берувчи сифатида меҳнат қилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

БОШ МУҲАРРИР

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"

МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида

саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўл ёзмалик тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № г 703

Адади 1804 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 24.06.2019 й.,

1 2 3 4 5